

AGRO ILMU

31471-SOJ, 2017



МУНДАРИЖА

МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

М.ТОШБОЛТАЕВ. Фан ва ёш олим	3
------------------------------------	---

ПАХТАЧИЛИК

И.АМАНТУРДИЕВ, Ш.НАМАЗОВ. Ғўзанинг F ₂ дурагайлари чигитидаги (+)-госсипол миқдорининг кўсак куртига бардошлилигига таъсири	4
Х.ИБРАГИМОВ, Р.КАРИМОВ. Ғўзанинг географик узок шаклларида олинган дурагайлари вегетация даври ва махсулдорлиги	6
У.КАЮМОВ, В.АВТОНОМОВ, Ш.НАМАЗОВ. Формирование признака "длина вегетационного периода" у географически отдаленных межсортовых гибридов F ₁ -F ₂ хлопчатника вида g.hirsutuml.	7
И.РЎЗИЕВ, Н.ЭРГАШЕВА. Ирригация эрозияси рўй берадиган ҳудудда ғўза ва ҳамкор экинлар экиб, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш	8
И.ҚАХҲОРОВ, О.ЭРГАШЕВ, Ж.ДАДАЖАНОВ, А.ҲАКИМОВ, М.ҚОДИРОВА. Ғўзанинг янги "ЎзФА-707" нави ва унинг хусусиятлари	10
В.АВТОНОМОВ, А.АШИРКУЛОВ, Д.АХМЕДОВ. Формирование признака "продуктивности хлопка-сырца одного растения" у межвидовых гибридов F ₁ - F ₂ на контрольно и искусственно инфицированных фонах T. basicola.	11
С.АЛЛАНАЗАРОВ. Ғўза дефолиациясини чилпиш усули ва муддатларига қараб ўтказиш	12
Т.КУЛИЕВ, З.АННАКУЛОВА. Ғўза кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси ва тузилишининг генотипга боғлиқлиги	14
Ф.ҒОППОРОВ. Органо-минерал тувакчаларда етиштирилган ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши	15
Н.ЎРАЗМАТЛОВ. Ғўза навларига қўлланилган агротадбирларнинг барг сатҳи юзаси ўзгаришига таъсири	16

ҒАЛЛАЧИЛИК

Н.УМИРОВ, Н.ЮСУПОВ, И.МАМАТҚУЛОВ, У.АБДУСАМАТОВ. Юмшоқ буғдойнинг истикболли "Истикпол-20" нави	17
Ғ.ҒАЙБУЛЛАЕВ, Т.ШОКИРОВ. Кузги юмшоқ буғдой F ₁ бўғин дурагайларида ўрганиш	17
Ш.ҲАЗРАТҚУЛОВА. Уруғларнинг дала ва лаборатория унвчанлиги орасидаги фарқлар ҳамда унга таъсир этувчи омиллар	19
Ғ.УЗАҚОВ, М.РАХИМОВ. Кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш	20
Р.ТИЛЛАЕВ, А.МАНСУРОВ, А.МУМИНОВ. Кузги буғдойдан кейин экилган дуккакли дон экинларнинг тупроқ унумдорлигига, ғалла ва пахта ҳосилига таъсири	21
З.ЗИЯДУЛЛАЕВ, О.АМОНОВ, Д.ЖУРАЕВ, Ш.ДИЛМУРОДОВ, А.МЕЙЛИЕВ. Суғориладиган майдонлар учун юмшоқ буғдойнинг ҳосилдор навларини яратиш	22
Ю.ХОЖАМКУЛОВА. Взаимосвязь между режимом орошения, продуктивности и качеством зерна риса	23
И.ЭГАМОВ, И.АДАШЕВ, М.АТАБОЕВА. Экиш муддатларининг буғдой ҳосилдорлигига таъсири	24
Т.ХОДЖАКУЛОВ, У.КАРШИЕВА, Б.АБДУХАЛИКОВА. Исходный материал для селекции короткостебельной пшеницы	25
Ғ.ҒАЙБУЛЛАЕВ, Х.РАХМОНОВА, А.МАҲАМАДИЕВА. Эртапишар, ҳосилдор кузги юмшоқ буғдой навларини яратиш	26
М.АБДУРАХИМОВ, Л.ХАЛИЛОВА. Кузги буғдойнинг қишга чидамлилиги ва ҳосилдорлигига таъсир қилувчи омиллар	27

М.АМАНОВА, Л.АЛЛАНАЗАРОВА. Ўсимликлар жаҳон коллекциясидан кунжут селекцияси учун янги ноёб манбалар	28
Д.МУСИРМАНОВ, А.ҲАКИМОВ. Юмшоқ буғдойнинг занг касалликларига чидамли бошланғич манбалари	30
Н.ОТАМИРЗАЕВ, Б.ҚАЛАНДАРОВ. Шоли экиладиган майдонлардаги бегона ўтлар	30
М.БЕГМАТОВА, З.РЎЗИКУЛОВА. Ялғиз — (Nana) mentha piperita ва сувялғиз-mentha arvensisларнинг морфо-биологик хусусиятлари	31
У.НЕЪМАТОВ. Соя ўсимлигини суғориш технологияларининг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири	33
М.МАННОПОВА, Т.УРАИМОВ, З.ЯКУБОВ, Н.КАРИМОВ. Хўраки нўхатнинг янги, "Полвон", "Зумрад" навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳақида	34

ҚОРВАЧИЛИК

О.КУЛДАШЕВ. Влияние микроклимата помещений на продуктивность и воспроизводительную функцию коров ..	36
М.ИСМАИЛОВ. Қорақул совлиқларини кузда қўзилашти тажрибаси	37
А.РАЖАБОВ, М.РАЖАБОВА, М.ЭШМУРОДОВА. Қорақул қўйларининг махсулдорлигини оширишда дағал ем-хашакларни қайта ишлаш технологиясини қўллаш.	38
А.АБДУВОСИҚОВ, Х.ЭРГАШЕВ. Тўяларни урчитиш хусусиятлари ва уларни сахро шароитида яйловда боқиш	40
М.РАХИМОВ, Д.АБДУЛЛАЕВА. Иксоид каналари ва Каратин 10	41
А.АБРУЕВ. Қорамолчилик махсулотлари ишлаб чиқариш занжиридаги бўшлиқ	43
Ҳ.НИЁЗОВ. Қорамоллар бўғимларининг асептик яллиғланишларида синовиал суюқлигининг физикавий хусусиятлари ва синовио-цитограммаси	44
А.ДАМИНОВ, Б.ШАМСИЕВ, М.ДАМИНОВ, К.АКРАМОВ. Икки хавфли трематодоз — даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари	45
Р.ҲАМРОҚУЛОВ, Ж.ҚОДИРОВ, З.ТЎЛАГАНОВА. Ультрадисперс биометалларининг бройлер жўжалари ўсиш жадаллигига таъсири	46
Б.НАСИРИЛЛАЕВ, К.ҒИЯСОВА, М.ЖУМАНИЁЗОВ, У.ЖУМАНОВ. Тут ипак куртининг истикболли тизимлари ва районлаштирилган зотларининг бир кун максимал тухум қўйиш хусусияти	47
Қ.ЖУМАҚУЛОВ. Тирик пиллаларни махсус пилла солинадиган яшиқларда топширишнинг пилла наводорлигига таъсири	48
В.РАХМОНБЕРДИЕВ, Е.МИРЗАЕВА, Н.ТУРГУНБАЕВА. Изучение химического состава весеннего листа и продуктивности гибридов шелковицы в условиях Каршинской степи	49
С.НАВРУЗОВ, У.УМАРОВА, Ф. ЖУМАЕВА. Разработка метода определения промеров тела бабочек-самок шелкопряда	50
С.АБДУЛЛАЕВ, Т.АКМАЛХОНОВ. Асалари оиласининг асосий асал йиғиш даврида оила кучининг аҳамияти	51
С.КИМ. К вопросу выбора объекта разведения в интенсивной аквакультуре	52
И.ЮНУСОВ. Озиқ-овқат таъминотида балиқчиликни ривожлантириш	53
Н.КАРИМОВ, Б.ЭЛМУРОДОВА. Интенсив усулда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш технологияси	54

БОҒДОРЧИЛИК, САБЗАВОТЧИЛИК

Ж.ҒАЙЗИЕВ, А.МАЛИКОВ, С.ШОДИЕВ. "Олтиндай", "Рангдор", "Мускат орзу" нави узум кўчатларида фенологик фазаларининг ўтиши	56
Ш.РАЖАМЕТОВ. Физиолого-биохимическое состояние сортов груши в период зимы	57

риш натижаларига кўра, ушбу касалликни тарқалиши Самарқанд вилояти туманларида ўртача 66,44 фоиз, Сирдарё вилояти туманларида эса ўртача 37,87 фоизни ташкил этди.

Фасциолёз касаллигини даволашда роленол, бронтел, клозантел - 50, рафензол каби препаратларни юқори самара бериши аниқланди.

Парамфистоматоз касаллигини даволашда эса фасциолёзга қарши юқорида қайд этилган антгельминтиклар қўлланилганда унинг самараси паст эканлиги маълум бўлди. Республикамиз ҳудуди юқорида қайд этилган касалликларга нисбатан носоғлом ҳудуд. Бу касалликлар-

нинг олдини олиш мақсадида, соҳа мутахассислари ушбу касаллик эпизоотологияси, биологияси ва экологиясини тўғри таҳлил қилиши, режали гельминтсизлантириш тадбирлари ҳамда аҳоли ва чорвадор фермерлар орасида касалликнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли таълим ва тарғибот ишларини ўз вақтида ўтказиб туриши тавсия этилади.

А.ДАМИНОВ, в.ф.д.

Б.ШАМСИЕВ, в.ф.н.

М.ДАМИНОВ, талаба,

К.АКРАМОВ, талаба.

АДАБИЁТЛАР

1. Мереминский И.А. Прогнозирование фасциолёза и парамфистоматоза жвачных животных. // Ветеринария. - Москва, 1976. № 5. С. 76 - 78
2. Подлесный Г.В. Профилактика парамфистоматоза телят. // Ветеринария. - Москва, 1961. № 9. С. 20 - 22
3. Салимов Б.С., Эрматов С., Тайлокова М. Қўйларнинг парамфистоматозлари ҳақида янги маълумотлар. // Зооветеринария. - Тошкент, 2015. № 1. Б. 14 - 16
4. Хайдаров У. Коликофороз крупного рогатого скота в Узбекистане. Автореф. дис. канд. вет. наук. Самарқанд, Сам СХИ. 1974. С. 17

УЎТ: 636.5

УЛЬТРАДИСПЕРС БИОМЕТАЛЛАРИНИНГ БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАРИ ЎСИШ ЖАДАЛЛИГИГА ТАЪСИРИ

Биз хаббард кроссига мансуб бўлган жўжалардан 200 бошини танлаб олиб "Имкон бройлер" фермер ҳўжалигида жўжаларнинг 1 - 35 кунлигида ўсиш динамикасини ўрганиш учун инкубатордан чиққан, соғлом 1 кунлик жўжалардан 2 та гуруҳ ташкил қилдик. Ҳар гуруҳда 100 бош жўжа бўлиб, уларни сим тўсиқлар орқали ажратиб тажриба бошладик. 1 - гуруҳ назорат гуруҳи ҳисобланиб улар ҳўжалик рационидида боқилди. 2- тажриба гуруҳига

қўйдик. Чунки кейинги тортишда ҳам худди шу жўжаларни тортиш керак бўлади. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, гуруҳлар орасидаги фарқ деярли сезилмади.

Россия изланувчиларининг маълумоти бўйича 1 кг омихта эмда 200 -800 мг/кг темир элементи борлиги аниқланган. Турли манбаларда темир биометаллининг миқдори турличадир.

1998 йилги Россияда чоп этирилган омихта емлар рецепти тузиш бўйича қўлланмасида бройлер жўжалари ва тухумдор товуқлар омихта емига 10 мг/кг темир элементи қўшиш тавсия этилган. 1999 йили "К/х паррандаларини боқиш" бўйича қўлланмасида темир элементидан 25 мг/кг қўшиш тавсия қилинган.

"Смена" кроссларини боқишда 80 мг/кг, АҚШ кроссларида 80 мг/кг, "Хойсекс белый" кроссига 49 мг/кг темир қўшиб берилган.

Шуларни ҳисобга олиб биз бройлер жўжалар ва тухумдор товуқларнинг 1 кг омихта емига 50 мг темир ва 8 мг мис биометаллидан қўшиб бериб тақрибий тажриба ўтказдик. Олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бундан шу хулосани келтириш мумкинки, рационга темир ва мис биометаллари қўшилган (50 мг/кг темир + 8 мг/кг мис) 2 - тажриба гуруҳидаги жўжалар эса 35 кунлик даврига келиб назорат гуруҳидаги тенгқурларига қараганда 86 г га тирик массаси ортиқ бўлган. Бундан шу хулосани келтириш мумкинки, рационда 1 кг омихта емга 50 мг/кг темир ва 8 мг/кг мис биометаллини қўшиб бериш улар қонида темир миқдорини ошишига, гемоглобин миқдорини кўтарилишига сабаб бўлади. Бу эса организмни саломатлигини яхшилайдиган, чидамлилигини оширадиган ва иммунитетини кучайтиради, бу эса оқибатда уларни яхши ўсиш ривожланишига сабаб бўлади.

Пировард натижада, хаббард кроссига қарашли паррандаларнинг ўсиш ва ривожланишига бўлган потенциал имкониятлари 2 - гуруҳ жўжаларида тўлароқ рўёбга чиқди. Ҳайвонларнинг ўсиш жадаллигини ифодаловчи яна бир кўрсаткич уларнинг абсолют ва нисбий ўсиш кўрсаткичларидир.

Назорат гуруҳ жўжаларида инкубатордан чиққанида 1 кунлик жўжаларнинг ўртача тирик массаси 40 г бўлган бўлса, 20 кунлигида 720 мг ташкил қилиб шу даврда

1-жадвал

Тажриба бўйича бройлер жўжаларини ўсиш жадаллиги, г.

Ёши, кун	1-назорат гуруҳи	2-тажриба гуруҳи
1 кунлик	40	39
5 кунлик	110	121
10 кунлик	226	264
15 кунлик	450	481
20 кунлик	720	762
25 кунлик	1025	1116
30 кунлик	1332	1426
35 кунлик	1725	1811

А.П.Калашников тавсияси бўйича 1 кг емига 7 мг темир ва 2.5 мг мис биометаллини қўшиб уни миксерда яхшилаб аралаштириб берилди. 1 кунлик жўжаларни 10 бошдан қилиб картон каробкага жойлаштириб тарозида тор-

2-жадвал

Жўжаларнинг абсолют ўсиш кўрсаткичлари, г X = А-В

Ёши, кун	Назорат гуруҳи	1-тажриба гуруҳи
5 кунлик	70	82
10 кунлик	116	143
15 кунлик	224	217
20 кунлик	270	281
25 кунлик	305	354
30 кунлик	307	310
35 кунлик	393	385

ғлик ва уни 10 га бўлиб ўртача тирик массасини аниқладик ва тортилган жўжаларга қарска суркаб белгилад

мутлоқ ўсиш 680 г га тенг бўлган.

1 кг озуқ аралашмасига 50 мг темир ва 8 мг мис ульт-радисперс биометали қўшилган рацион билан боқилган тажриба гуруҳидаги жўжаларда бу кўрсаткич 1 кунлигида 39 г ни ташкил қилган бўлса, 20 кунлигида 762 г га тенг бўлиб назорат гуруҳидаги тенгқурларидан тирик массаси бўйича 42 г га кўп бўлган.

35 кунлик даврига келиб назорат гуруҳидаги жўжаларнинг ўртача тирик массаси 1725 г га тенг бўлиб, шу даврда (20 - 35 кунлик) мутлоқ ўсиш 1005 ни ташкил қилган. Тажриба гуруҳидаги жўжалар эса шу даврда тирик массасини 760 г дан 1811 г га оширганлар, яни мутлоқ ўсиш 1049 г ни ташкил қилган.

Абсолют ўсиш деганда, бошланғич ва сўнги тирик массалар орасидаги фарқни тушунилади. Бизнинг мисолимизда масалан, назорат гуруҳида 1 кунлик жўжанинг тирик массаси 40 г бўлса 5 кунликда 110 г ни ташкил қилган.

Буни қуйидаги $X = A - B$ формулага қўйсақ $X = A - B = 110 - 40 = 70$ г ни ташкил қилади. Бу ерда B - бошланғич тирик масса; A - кейинги тортишдаги тирик масса; X -

абсолют ўсиш кўрсаткичи.

Жўжаларни 1 кунликдан 35 кунлик ёшигача тирик массасини абсолют ўсиш кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўринишича, ўсиш жадаллиги 5 - 6 - 7 беш кунликда жадалроқ бўлиб, абсолют ўсиш 5 - 6 - 7 беш кунликда назорат гуруҳида 305 - 307 - 393 г ни ташкил қилади. 1 - гуруҳ жўжаларида 354 - 310 - 385 г ни ташкил қилган. Демак, рационда 50 мг/кг темир ва 8 мг/кг мис биометалли бўлган жўжаларида мутлоқ ўсиш бошқа гуруҳларга нисбатан анча юқори бўлган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, 1 кг омихта емига 50 мг темир ва 8 мг мис биометалли қўшилган 1 - тажриба гуруҳидаги жўжалар 35 кунлик ёшида назорат гуруҳидагилардан ўртача тирик массаси 86 г га кўп бўлган, сақланиш эса 3% га ортиқ бўлган.

Р.ХАМРОҚУЛОВ,
ТошДАУ доценти,

Ж.ҚОДИРОВ, З.ТЎЛАГАНОВА,
магистрантлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Р. Ҳамроқулов, К. Қарибаева "Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқлантириш" Т. 1999.
2. А.П. Калашников "Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных" М. Агропромиздат 1985.
3. Руководство по составлению рецептов комбикормов. М 1998.
4. Руководство по кормлению сельскохозяйственных птиц. М 1999.

УЎТ: 638.2.631.528.1

ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ТИЗИМЛАРИ ВА РАЙОНЛАШТИРИЛГАН ЗОТЛАРИНИНГ БИР КУН МАКСИМАЛ ТУХУМ ҚЎЙИШ ХУСУСИЯТИ

In the present article results of studying of selection lines and breeds of a silkworm by sign oviposition eggs in the first days are stated. It is established that butterflies of a female postpone the first days eggs within 82,1-89,8 %.

Тут ипак қуртининг бир кеча-кундузда олинган тухумларининг самарадорлигидан келиб чиқиб, биз истиқболли селекцион тизим ва районлаштирилган зотларда ушбу муҳим белгининг хусусиятини ўргандик.

Илмий-тадқиқот дастурига асосан янги истиқболли

рилган эди. Баҳорги қурт боқиш мавсумида Линия 27 ва Линия 28 тизимлари ва "Гўзал", "Марварид" зотларининг оилаларидан танлаб олинган насли пиллалар жинсларга ажратилди ва оилаларо аутбред чатиштириб, папильонаж ўтказилди.

1-жадвал. Линия 27 ва Линия 28 селекцион тизимлари ҳамда Гўзал ва Марварид зотларининг биринчи ва иккинчи фракциядаги тухум қўймаларидаги тухумлар сони.

Тизим ва зотлар	Қўймадаги тухумлар сони			
	1-суткада қўйилган тухумлар $\bar{X} \pm S \bar{x}$, дона	2-3-суткаларда қўйилган тухумлар $\bar{X} \pm S \bar{x}$, дона	1-сутка тухумларининг устувллиги, дона	Фарқнинг ишончлилиги (Pd)
Линия 27	46±5,2	91±3,4	373	0,999
Линия 28	56±5,0	68±3,7	495	0,999
"Гўзал"	77±11,3	112±10,3	660	0,999
"Марварид"	72±13,2	158±10,7	571	0,999

Линия 27, Линия 28 селекцион тизимлари ва йирик пиллалари "Гўзал" ва "Марварид" зотларининг 1-суткада ва 2-3-суткаларда қўйиладиган тухум қўймаларини алоҳида, яъни 1-фракция ва 2-фракция қилиб олиш режалашти-

рилган эди, яъни кейинги 2-3-суткалардаги тухумларни алоҳида олиш учун "II-фракция" ҳалтачасига солиб қўйилди. Шундай усулда чатиштирилган барча капалаклардан 2 хил фракциядаги тухумлар олинди ва улар июль-август ойла-

2-жадвал. Линия 27, Линия 28 селекцион тизимлари ва Гўзал, Марварид зотлари тухум қўймаларининг вазни.

Тизим ва зотлар	Қўймадаги тухумлар вазни				
	қўймадаги тухумларининг умумий вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, мг	1-суткада қўйилган тухумлар вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, мг	2-3-суткаларда қўйилган тухумлар вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, мг	1-фракциянинг 2-фракциядан устувллиги, мг	Фарқнинг ишончлилиги (Pd)
Линия 27	314±1,1	267±2,5	49±2,0	218	0,999
Линия 28	332±2,0	307±2,6	55±4,2	252	0,999
"Гўзал"	534±7,3	472±6,7	62±5,5	410	0,999
"Марварид"	570±7,0	474±8,7	94±6,7	380	0,999

Ҳар бир чатиштирилган капалаклар 2 соат давомида жуфтлаштириб, ажратилгандан сўнг, урғочи капалаклар пергамент изоляция ҳалтачасига тизим рақами ёки зотининг номи, чатиштирилган оилалар шажараси ва "I-фракция" белгиси ёзилиб, солиб қўйилди. Орадан 24 соат ўтгач, урғочи капалак иккинчи фракциясидаги, яъни кейинги 2-3-суткалардаги тухумларни алоҳида олиш учун "II-фракция" ҳалтачасига солиб қўйилди. Шундай усулда чатиштирилган барча капалаклардан 2 хил фракциядаги тухумлар олинди ва улар июль-август ойларида эстивация даврини ўташи учун махсус хонага осиб қўйилди. Урғочи капалакларни биринчи суткада тухум қўйиш интенсифлиги белгисини генетик томондан ўрганиш мақсадида 2016 йилда капалакларни биринчи ва 2-3-суткаларда қўйган тухум қўймаларини асосий кўрсаткичларини аниқладик.

1-3-жадвалларда биринчи ва